



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 17 сентябрь, чоршанба

№76 (11.567)

Эркин нарқда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТИШИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2003 йил 18-19 сентябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Украинанинг Ялта шаҳрида бўлиб ўтадиган мажлисида иштирок этади.

Ташриф давомида МДХ доирасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истикболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш ва қатор муҳим ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

БЕРЛИНДА ЎЗБЕКИСТОН ТАНЛОВИ

Мамлакатимизнинг маърузидаги викториналар аҳолининг бирон-бир ўлкага нисбатан қизиқишини уйғотибгина қолмай, ушбу давлат тарихи, маданияти ва замонавий ҳаёти ҳақида қай даражада билимга эга эканлигини аниқлаш имконини беради.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ташаббуси билан «Мульти-Культи» радиостанцияси ҳамда нуфузли газеталардан бири «Тагесшпигел» ҳамкорлигида «Ўзбекистонни биласизми?» викторина танлови ўтказилди.

Ўн саккиз ёш ва ундан катталар учун уюштирилган мазкур танловда Берлин шаҳри ҳамда Германиянинг бошқа федерал ўлкалари аҳолиси иштирок этди.

кўра, берлинлик Ханс Гюнтер-Дардеманнлар оиласи мамлакатимиз тарихи, маданияти, иклими ва табиғатига оид туркум саволларга бехато жавоб бериб, етти кун давомида Буюк ипак йўли дурдонаси ҳисобланмиш юртимизни зиёрат қилиш, ўзбек халқининг самимий меҳмондўстлиги ва олийҳимматлигидан баҳраманд бўлиш имкониятини кўлга киритди.

Аслам АКБАРОВ,
Ҳаҳон АА, Берлин.

Кўни кеча Москва шаҳрида «МДХ 2003: XXI асрнинг иқтисодий вазифалари» деб номланган молиявий ва инвестициявий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуман нуфузли халқаро нашр «Euromoney» («Euromoney Institutional Investor PLC») томонидан ташкил этилди.

МАМЛАКАТИМИЗ «EUROMONEY» ФОРУМИДА

Анжуман қатнашчилари МДХ мамлакатларида иқтисодий ислохотлар ўтказиш ва қўлай инвестициявий муҳит яратиш масалаларини муҳокама қилдилар. Халқаро молиявий ташкилотлар, йирик чет эл банклари ва компанияларнинг етакчи экспертлари МДХ мамлакатларидаги иқтисодийнинг бугунги аҳоли ва ривожланиш истикболларини кўриб чиқдилар. Бунда МДХ мамлакатларида фонд борзорларининг, хусусан, қарз мажбуриятлари бозорининг ривожланиши масалалари алоҳида қизиқиш уйғотди.

Анжуман доирасида «Euromoney»нинг йиллик мукофотлари топширилди. Ўзбекистоннинг «Carthill Asset Management Company» компаниясига бир йўла иккита нуфузли мукофот: «2003 йилдаги қарз мажбуриятлари бўйича энг яхши уй» («Best Debt House 2003») ва «Энг яхши маҳаллий ҳамкор 2003» («Best Local Partner 2003») мукофотлари берилди.

Анвар Расулловга мукофотларни топширар экан, компания «Euromoney» томонидан Ўзбекистондаги корпоратив облигациялар бозорини ривожлантиришга йўналтирилган иштирокчи, шунингдек, халқаро инвесторлар билан яқин ва транспарент муносабатларни қарор топтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун мукофотланаётганини қайд этди.

«Euromoney»нинг бундай нуфузли мукофотларининг бизнинг шўъба компаниямизга берилиши Ўзбекистонда бизнесни янада ривожлантириш учун туртки бўлади. Яқинда тузилган «Carthill Capital» компанияси «Carthill Asset Management Company» каби Ўзбекистондаги молия бозорини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишига умид қиламиз, деди «Carthill Investment Company Ltd»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг инвестициялар ва бизнесни ривожлантириш бўйича ижрочи директори Бахтиёр Мансуров.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Улар – бизнинг фахримиз



АҚШ ДАН АФИНАГА

Мамлакатимиз спортчилари 2004 йили Афина шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритиш учун нуфузли чемпионат ва мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда.

11-14 сентябрь кунлари АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ушбу мусобақа голибларига Афинада бўладиган Олимпиадага йўланма берилиши жаҳон чемпионатининг нуфузини янада оширди.

Жаҳон чемпионатида қатнашган беш нафар ҳаюртимиз: Дилшод Мансуров, Дамир Захаридов, Магомед Гахилавов, Магомед Ибрагимов ва Артур

Таймазов мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси матбуот марказидан хабар беришларича, 55 килограмм вазн тоифасида гитамга чиққан Д.Мансуров молдовалик рақибини мағлуб этиб, олтин медални кўлга киритди. Яна бир маҳоратли курашчимиз Артур Таймазов вазни 120 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида мезбонлар вакили

Мак Маккой билан куч синашди. Ҳал қилувчи беллашувда ҳаюртимиз рақибни устидан галабага эришиб, жаҳон чемпиони бўлди. Бунгача Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатларида олтин медалга сазовор бўлмаган эди. Дилшод Мансуров ва Артур Таймазов келаси йили Афинага йўл олади.

Заҳир ТОШХУЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

СУРАТДА: вилоятимиз вакили Дилшод Мансуров ўз устиди Маъмур Рузиев билан.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР – ЁШЛАРГА

Олмалиқда суд-ҳуқуқ масалаларига бағишланган ёшларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Уни Тошкент вилояти Адлия бошқармаси ташкил этди. Тадбирда шаҳардаги олти касб-хўнар коллежининг 500 дан ортиқ талабаси қатнашди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, воғга етмаган ёшлар тарбияси, ўсирилари жинсий жавобгарликка тортишнинг ўзинга хос хусусиятлари, гиёҳвандлик ва ақиданарастлик билан боғлиқ жинсий жавобгарлик, ОИТС ва бошқа юқумли касалликлардан сақланиш муаммолари ҳақидаги суҳбатлар йилгиланларда катта қизиқиш уйғотди.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ Иккинчи чақирик халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XVII сессиясини чақиритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ қарор қиламан:

Иккинчи чақирик халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги XVII сессияси 2003 йил 18 сентябрь кўни соат 9.00 да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят ҳокими У. МИРЗАҚУЛОВ.
Тошкент шаҳри, 2003 йил 12 сентябрь.

Вилоят ҳокимлигида ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК, САФАРБАРЛИК

бу йилги пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва сифатли йиғиб-териб олишни асосий омилдир

Янгийўл туманидаги «Нивёбош», «Янги ҳаёт» ва «Қовунчи» ширкат ҳўжаликларида бу йилги пахта ҳосилини тез ва вақтида йиғиб-териб олиш, кўзги галлани эрта муддатларда ва сифатли экиш масалаларига бағишланган ўқув-машулот ўтказилди. Унда туман ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, қишлоқ ва сув ҳўжаликлари бошқармалари, «Қишлоқҳўжалик-кимё», МТП, пахта тозалаш заводлари, деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмалари ва киллиги ҳамда ширкат ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

«Нивёбош» ҳўжалиги пахтазорларида дефляцияни қандай тартибда ўтказиш, «Янги ҳаёт» ва «Қовунчи» ҳўжаликларида эса галла экиладиган майдонларни ва экиш агрегатларини қандай тартибда тайёрлаш лозимлиги амалий машғулотлар жаърида намойиш этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақуллов бошқарди.

Аввало, машина терими учун ажратилган майдонларни олдиндан белгилаб олиш лозим. ОВХларни ўқумли ва сифатли ишлаш мақсадида ушбу тадбирда иштирок этадиганлар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, уларни моддий рағбатлантириш, шунингдек машина теримига мўлжалланган майдонларнинг ҳар гектарига камида 8 килограмм, қўлда териладиган ерларга эса 6 килограммгача дефолиант сарфлаш тавсия этилди. Машина терими сифати ва самарасини қатъий назоратга олиш лозимлиги ўқутирилди. Айни вақтда меҳнатга яроқли аҳолини мавсум бошидан йиғим-теримга оммавий сафарбар этиш, уларнинг меҳнат ҳақларини ҳар беш кунлик якунида қанда қилмай бе-

риб бориш лозим. Шунингдек, хирмонлар, тош-тарози ва этаклар ҳозирдан тайёр қилиб қўйилмаса, иш суслатиши ва суръат пайсийишни ҳам унутмаслик зарур.

Йиғилишда кўзги галлани тез ва сифатли экиб олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Муҳими шундаки, галла экиладиган майдонлар сифатли ҳайдалиб, текисланиши, бирорта йирик кесак қолмаган бўлиши керак. Айниқса, гўза қатор ораларига экишда омилкорлик талаб этилади. Экиш олдида сифатли култивация ўтказиб, эгларни бироз текислаш лозим. Акс ҳолда уруғлик дон эгат ўртасида тўпланиб қолади ва сугоритиш чоғида сув уруғликнинг кўп қисмини майдон ташқарисига оқиб кетади. Йиғилишда галла экиш билан бир вақтда аммофос ўғитини бериш тавсия этилди.

ШАРТНОМА – ҚОНУН

Вилоят ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамаси томонидан республика Президентининг шу йил 24 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қишлоқ ҳўжалик махсусотлари етиштирувчилар билан хизмат кўрсатиш ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларини такомиллаштириш, уларнинг ижросини назорат қилиш мониторингини олиб бориш, шартнома шартларининг бажарилиши юзасидан томонларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган қарорини ўралишга бағишланган амалий машғулот бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, хизмат кўрсатиш ва тайёрлов ташкилотлари, ширкат ва деҳқон-фермер ҳўжаликлари вакиллари иштирок этди. Машғулоти вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари,

қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Сайдулло Бегалиев бошқарди.

Амалий машғулот иштирокчилари Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган янги қарорнинг мазмун-моҳияти ва мақсади, шунингдек, қишлоқ

ҳўжалик товар махсусотлари ишлаб чиқарувчилар билан хизмат кўрсатиш ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида шартнома тузиш, рўйқатдан ўтказиш ва унинг ижроси устидан мониторинг олиб бориш тўғрисидаги Низом бандлари билан кенг таништирилди. Хусусан, ушбу ҳужжат томонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини аниқ белгилаб бериш билан бирга уларнинг жавобгарлигини ҳам ошириши таъкидланди.

Амалий машғулотлар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга жавоб олдилар. Йиғилишда республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Абдувоҳид Жўраев сўзга чиқди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ НИКОҲ – СОҒЛОМ ОИЛА ГАРОВИ

Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда эълон қилинган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни таъминлаш ҳақида»ги қарори ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш, адлия, халқ таълими бошқармалари мутаассифлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар кўмиталари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмадзонова бошқарди.

Оила – жамият асоси. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан истиклолнинг илк кунлариданоқ юртимизда соғлом оилани шакллантиришга алоҳида эътибор берилган бошланди.

Ҳукуматимиз томонидан бу борада қабул қилинган қарорлар ва дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугун Тошкент вилоятида 565 мингдан зиёд оила мавжуд. Оиланинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиши, аввало, ота-онага боғлиқ.

Тадбирда сўзга чиққанлар

ҳукуматимизнинг номи зикр этилган қарори Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасини бажариш ҳамда соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва турма касалликларга чалинган фарзандлар дунёга келишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этажани таъкидланди.

Йиғилишда ушбу масалалар билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш, таълим ва шифо масалалари, ФХД бўлимлари, маҳаллаларда бу борадаги тарғиб-ташвиқот ишларини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Назкам УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Давр ва иқтисодиёт ТАРАҚИЁТНИНГ ҚУДРАТЛИ ЗАНЖИРИ

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тўзум мулкчиликка дахлдор. Уни авлодлар яратган моддий бойликлар ташкил этади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган. Президентимиз биринчи қадам сифатида ана шу мулкчиликка муносабат концепциясини ишлаб чиқди. Зеро, ишлаб чиқариш омиллари — меҳнат воситалари ва предметлари, ахборот, интеллектуал ва ер ресурслари, яъни кучига мулкчилик нуқтаи назаридан муносабат ҳар қандай жамият раёнақининг асосини ташкил этади. (Давоми 2-бетда).

Тажриба – ёнингизда ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Ҳақиқатан ҳам бу йилги мавсум беистисно барча пахтакорлар учун таъминли келди. Сурункали ёғин нафақат чиғит экиш, балки ундан кейинги агротехник тадбирларни ҳам орқага суриб юборди. Бундай вазиятда қандай бўлмасин гўза ривожини таъминлаш чоралари қўрилмаса, ҳосил кечки бўлиб, режанинг бажарилиши хавф остида қолади. Шунинг ҳисобга олиб, вилоят ҳокимлиги жойларда гўза парваришини кучайтиришга қаратилган амалий машғулотлар уюштирди. Унда гўзани яна қилиш, ундан тозалаш озиклантириш, қатор ораларини юмшатиш тадбирларини уйғун ҳолда олиб бориш юзасидан йўл-йўриқ ва тавсиялар бериб борилди. (Давоми 3-бетда).

Навоийхонлик СЎЗ САЊЪАТИНИНГ СЕҲРИ

Сўз сеҳри ва қудратини ниҳоятда теран ҳис қилган хассас шоир Алишер Навоий ўз ижодида сўз ва унинг қурбати, инсон онги ва руҳини, жамият ҳаётига кўрсатадиган таъсирига юксак эътибор билан қараб, ўзининг деярли барча асарларида бу ҳақда фикр юртган. Хусусан, ҳазрат Навоий ижодининг гултожи бўлган «Ҳамса»да, «Маҳбуби уя-қулуб», «Мажлис ун-нафоис» асарларида, кўлаб ғазал ва рубоийларида сўз ва унинг ўзига ҳос хусусиятларига катта эътибор берган. Ушбу мутафаккирнинг «Маҳбуби уя-қулуб» асарида сўзининг икки хил — гедонистик таъсири ҳақида жуда асосли фикр билдирилган. (Давоми 4-бетда).

Давр ва иқтисодиёт

Янгича иқтисодий муносабатлар концепцияси жамият аъзолари — замонашларимиз онгини унга етмиш йилдан зиёд мударат сингдирилган умумхалқ (давлат) мулки деган сохта нуқтаи назарлардан тазалашга хизмат қилди. Мулкчилик муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бошланган ўзгариш ва янгиланиш жараёнидаги асосий масалага айланган. Бозор иқтисодиёти барқарор ўтиш учун мулкчиликнинг хилма-хил шакллари жамият ҳаётига жорий этилиши муҳим вазифалардан бири. Мустақил мамлакатимизнинг асосий Конюсида бу мақсад ўз қонуний асосига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиди», дейилади.

Шундай қилиб, бугун Ўзбекистонда мулкчилик, биринчидан, янгиланаётган жамият аъзоларининг мулк — нарсалар ва бойликка, иккинчидан, ана шу мулк билан боғлиқ ҳолда бир-бирларига муносабат-

бораётир. Бунда мулк эгаси янги-янги иш жойлари ташкил қилиб, ёлланма меҳнатдан кенг фойдаланмоқда. Натижада, мулкка яққа эгалик қилиш кўлами кенгайиб бораётир ва мулкчиликнинг замонавий тури — кўшма-хиссадорлик асосидаги мулкчилик иқтисодий тараққиётнинг

масаласи эканлиги мана шу жиҳатдан ҳам кўриниб турибди. Ўзбекистон жамиятини ислоҳ қилишнинг мураккаб янги сифат босқичига кўтарилди. Бозор муносабатларининг шаклланаётганлиги, амалда мулкдорлар синфининг юзага келаятганлиги бугунги жа-

ҳўжаликларнинг яхлитлиги сақланиб қолади, ирригация-мелиорация тизимининг аҳволини яхшилаб бориш имконияти туғилади. Иккинчидан, пай эгалари учун кўшимча даромад омиллари ва манбалари юзага келади. Бунинг ёрқин кўринишини соф фойдадан ажратилган

чи кичик-кичик ер майдонларида муваффақиятли ривожлантириш мумкин эмас. Тўғри, мамлакатимизда деҳқон ҳўжаликлари учун кичик механизмлар ишлаб чиқариш кенгайиб бормоқда. Лекин, Америка ва бошқа мамлакатларда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тажрибаси шуни кўрсатадики, майда хусусий ҳўжаликлар ҳамаша ҳам кўтилган самарани бермайди. Буни ўз вақтида Юртбошимиз ҳам алоҳида таъкидлаб, бизнинг ўзига хос шароитларимизда ер олди-сотди объекти бўлиши мумкин эмаслигини қатъий равишда кўрсатиб ўтган эди.

ЖАҲОНГА ЙЎЛ

Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ички имкониятларни ишга солиш, айна вақтда ишлаб чиқаришга инвестицияларни кенгроқ жалб этиш орқали кенгайиб боради

Республикамизда амалга ошириляётган иқтисодий ислохотлар сўнги кезларда жамият ва давлат бошқаруви эркинлаштириш жараёнини, инвестицияларни жалб этишни тақомиллаштиришни тақозо этиди. Юртбошимиз мазкур масаланинг долзарб эканлигини қайд этган ҳолда республикамиз тараққиёти учун иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бу жараённинг узвий қисми эканлигини алоҳида таъкидлади.

Умуман, шаҳарда чет эл инвесторлари билан ҳамкорлик самараси бўлган қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Асосий мақсад ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган. Шаҳарда инвестицион фаоллик туфайли йўллар қуришга, уларни таъмирлашга сармоянинг жалб қилиниши ҳам алоҳида эътиборга созвор. «Буюк Ипак йўли»нинг бир қисми бўлган «Қамчик» доводнидаги бунёдкорлик бунга бир мисол. Ангрен йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси қошида очилган «Немис технологиялари маркази»да германиялик ҳамкорларимиз ўзларининг билимларини мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган йўлсозларимизга ўргатиб, уларнинг малакаларини оширишга кўмаклашаяптилар. Бу марказда хорижлик мутахассислар геодезия, лойиҳалаш, замонавий технологияларни бошқариш бўйича сабоқ бермоқдалар. Йўл қурилишига янги-янги инвестицияларнинг кириб келиши яқин йиллар ичида Ангрен ҳудуди нафақат Фарғона vodiysi билан боғлианида, балки халқаро Анджион-Уш-Эркештом халқаро лойиҳаси доирасида муҳим транспорт-коммуникация соҳаларини ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллайди.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, кўпгина ривожланаётган давлатлар хорижий инвестицияларни жалб этишда даставвал иқтисодий ўсиш учун таркибий ўзгаришларни бош мезон сифатида белгилаганлар. Иқтисодни эркинлаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишда энг аввало ҳудудларини иқтисодий ривожлантириш учун зарур бўлган тармоқлар ва соҳаларни тараққий этиришга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий юқалишига ва халқ фаровонлигига эришишда асосий йўналишлардан бири ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга хорижий инвестицияни кенг жалб этишдир. Бунга биргина Ангрен шаҳрида аниқ мақсадларга йўналтирилган инвестицион лойиҳалар қўллаб амалга ошириляётганлиги яққол мисол бўла олади.

Албатта, Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилмайдиган ерларга хусусий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш қонун билан ҳал қилинган. Шу босиб, бизда ерларни ишшоотлари билан биргаликда сотиш, яққа тартибдаги қурилишлар учун ер участкалари сотиш, ерга эгалик ҳуқуқини сотиш кенг равишда қўлланилмоқда. Шу сабаб қишлоқда майда ишлаб чиқаришнинг сабазот-полиз маҳсулотлари этиштириш, чорвачилик, боғдорчилик сингари кўринишлари хусусий мулк эгалари томонидан тўла равишда амалга оширилиши мумкин. Энг муҳими, ягона занжир — ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш тизимида ишлашга ўрганмоқ лозим. Фақат мулкчилик масаласи ҳал қилинган, мамлакатда ҳақиқатан ҳам мулкчилик синфи шаклланган пайтагина ислохотлар қутилган натижаларни бериши мумкин, деб таъкидлаган эди Юртбошимиз. Бугунги тажриба, Ўзбекистон эришяётган ютуқлар мана шу концепциянинг ҳаққонийлигини кўрсатмоқда.

Зухра САФАРОВА, Тошкент Давлат Иқтисодиёт

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚУДРАТЛИ ЗАНЖИРИ

лари сифатида намоён бўлмоқда. Мулк иқтисодий тушунча сифатида ишлаб чиқариш воситаларининг бир субъект томонидан эгалланиши, шу воситаларни бошқа субъектлардан бегоналашувини ифода қилади. Бу ўринда шуни англаб ололқ муҳимки, мулкчиликнинг иқтисодий муносабатлари мулк даромад манбаи бўлиб хизмат қилган жойдагина юзага келади.

Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шакллари амал қилиниб, жамият аъзоларининг барча қатламларининг ўзаро муносабатлари янгича мазмун билан бойитилмоқда.

Кучли омили сифатида майдонга чиқмоқда. Мулкчиликнинг бу кўринишида хусусий ва умумий манфаатларнинг энг ҳаётбахш жиҳатлари уйғуллашганини алоҳида таъкидлаш лозим. Аралаш мулк, биринчидан, хиссадорлар маблағини бирлаштириш асосида ташкил этилиб, иккинчидан, ундан умумий мақсадлар учун ва ягона бошқарув остида фойдаланилади. Бунда, қоида тарикасида, ҳар бир хиссадорнинг умумжамоа мулкани бошқаришда муайян иштироки назарда тутилади. Учунчидан, корхона ҳўжалик фаолиятининг пировард натижалари ҳар бир хиссадорнинг мулк микдорига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бунда асосий шакллар пайчилик, оила пудрати, қишлоқ ҳўжалик ширкатлари кўринишида намоён бўлмоқда. Бу шаклларнинг ҳар бири жамият фаровонлигини таъминлашда ўзига хос ўринга эга. Чуночи, ширкатларда муайян жамғармалар шакллантирилиб, қишлоқда ижтимоий ўзгаришлар, тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, мелиорация ишларини олиб бориш шу ҳисобдан баҳариланади. Ширкатларда ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш пировард натижада бир занжирни ташкил этишни бугунги тажриба яққол кўрсатмоқда.

Мулкчиликнинг ширкат шаклида, биринчидан, дивидендлар ташкил этади. Пудрат эса бошқа мулк шаклларида ижарачиларнинг, аслини олганда, ерга муваққат эгалиги билан фарқланади. Лекин, бу шаклнинг устун жиҳати шундан иборатки, пудратчи этиштирган маҳсулот ва ўз меҳнати натижаларининг тўла ҳуқуқли эгаси сифатида майдонга чиқади.

Мулкчилик тушунчаси, аввало, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни белгилайди ва ижтимоий-иқтисодий тузилманинг асосини ташкил этади. Бинобарин, у иқтисодий тушунча сифатида намоён бўлади.

Бугунги ҳаётимизга ижара, кредит, тасарруф этиш сингари тушунчалар тобора чуқур сингиб бораёпти. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик кўлами кенгаймоқда. Бунда мулк эгаси — асосий ишчи кучи бўлиб, жисмоний ёки ақлий меҳнат асосан унинг ўзи томонидан бажарилади. Айна пайтада, ишлаб чиқариш воситаларига яққа мулкчилик ҳам ривожланиб

Мулкчиликнинг ширкат шаклида, биринчидан, дивидендлар ташкил этади. Пудрат эса бошқа мулк шаклларида ижарачиларнинг, аслини олганда, ерга муваққат эгалиги билан фарқланади. Лекин, бу шаклнинг устун жиҳати шундан иборатки, пудратчи этиштирган маҳсулот ва ўз меҳнати натижаларининг тўла ҳуқуқли эгаси сифатида майдонга чиқади.

Мулкчиликнинг ширкат шаклида, биринчидан, дивидендлар ташкил этади. Пудрат эса бошқа мулк шаклларида ижарачиларнинг, аслини олганда, ерга муваққат эгалиги билан фарқланади. Лекин, бу шаклнинг устун жиҳати шундан иборатки, пудратчи этиштирган маҳсулот ва ўз меҳнати натижаларининг тўла ҳуқуқли эгаси сифатида майдонга чиқади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ЁРДАМИДА

Гуёҳандлик ва ичкиликбозлик баҳасига дучор бўлганларни реабилитация қилиш, уларни жамиятга соғлом қилиб қайтариш хайри ш. Бу борада фаолият юритаётган «Глобал Тинч Чалленж» халқаро инсонпарварлик ташкилоти Қизил Ярм Ой жамияти Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда Қўйичирлик туманидаги А. Навоий номи ширкат ҳўжалигида ўз марказини ташкил этган.

Жараён АКЦИЯДОРЛИК — МАНФААТДОРЛИК ДЕМАК

«Охангаронцемент» очик акциядорлик жамияти жамоаси кейинки йилларда барқарор ишлаб, цемент тайёрлашни қўлайтириш, унинг янги турларини ўзлаштириш, сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш туфайли даромад ҳажминини муттасил оширишга эришмоқда. Бу маблағнинг муайян қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш қатори корхона ҳудудида экологик вазиетни яхшилаш, аиникса, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ўз эҳтиёжи учун кадрлар тайёрлаш, хайрия тадбирларига сарфланапти.

Корхонанинг ўн уч гектарни эгаллаган ҳовлисини яқин йиллар ичида тўла кўкаламзорлаштириш назарда тутилган. Жорий йилда ҳам бу йўналишда анча силжиш қилинди. Фақатгина мевали дарахт кўчқатларидан 600 туپ экилди. Кўпроқ беҳи, ўрик ниҳоллари ўтказилди. Қўшима гулзорлар барпо этилди. Бу корхонада экологияни сезиларли даражада яхшилашга олиб келди.

Билимга илхоси бўлган ёшлар доим қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозирги вақтда шундай цементчилардан 12 нафари ўрта-максус билим юрларига ўқишяпти. Улар бинокорлик саноятининг асосан цемент тармоғи бўйича технологияларни эгаллашяпти. Бунинг учун 576 минг сўм сарфланди. Корхонада касб ўрганиши, малакани ошириш билан шуғулланувчи курслар ташкил этиш ҳам пухта йўлга қўйилган. Қайси касб эгасига эҳтиёж сезилса, дарҳол уларни тайёрлаш учун қисқа муддатли ўқишлар уюштирилади. Малака оширишнинг яна бир шаклидан фойдаланиляпти. «Хўнар фани» ўқув маркази турли соҳалар бўйича цементчилар малакаси ва билимини оширишда ёрдам бермоқда. Шу кўнларда 94 нафар муҳандис-техник ходим ва ишчилар шу маскан машгулотларига катнамоқдалар.

Жамият маъмурияти олий ва ўрта-максус ўқув юрларига бўлажик цементчиларни ўқитиш, уларнинг малакаларини ошириш, қўшимча касблар ўргатиш учун ҳаммаси бўлиб 12,2 миллион сўм сарфлашни режалаштирган. Зарур бўлган маъмурият унинг ҳажинини янада қўлайтиришга тайёр. Чунки, бу харажатлар ўзини ортиғи билан қоплайди.

Жамият маъмурияти олий ва ўрта-максус ўқув юрларига бўлажик цементчиларни ўқитиш, уларнинг малакаларини ошириш, қўшимча касблар ўргатиш учун ҳаммаси бўлиб 12,2 миллион сўм сарфлашни режалаштирган. Зарур бўлган маъмурият унинг ҳажинини янада қўлайтиришга тайёр. Чунки, бу харажатлар ўзини ортиғи билан қоплайди.

Жамият маъмурияти олий ва ўрта-максус ўқув юрларига бўлажик цементчиларни ўқитиш, уларнинг малакаларини ошириш, қўшимча касблар ўргатиш учун ҳаммаси бўлиб 12,2 миллион сўм сарфлашни режалаштирган. Зарур бўлган маъмурият унинг ҳажинини янада қўлайтиришга тайёр. Чунки, бу харажатлар ўзини ортиғи билан қоплайди.



Таъмирлаш цехи ишчиси Виталий Кузнецов.

Миллион сўм маблағи жалб қилинди. Ундан ташқари ишчи кучи, машина-механизмлар билан қаршиб юборилди. Иссиклик манбаи қиш-ёзин бир маромада ишлаётган экан, бунда корхона жамоасининг ҳиссаси салмоқлидир.

Охангарон қиёфасининг йил сайин кўркاملаниб, ободонлашиб, яшил бойлиғи ортиб боришида ҳам цементчилар улти бекиёсдор. Бундай хайрли ишларда жамоа доим фаол катнашди, маблағини ҳам аямайди. У ўзига беришган малакалар ва кўчаларни, уй-жой даҳаларини саранжом-саршишта бўлишига, ахлатлар ва чиқиндилардан вақтида халос бўлишига кўмак беришни ҳеч вақт пайсалга солмайди. Бундай ишлар учун сарфланган маблағ ҳажми 120 миллион сўмини ташкил этиди.

Жамоа шаҳардаги уй-жой эгалари ширкатларининг айримларини ўз оталиғига олган. Улар ташкил этилган даврда шундай ёрдамга муҳтож бўлмоқдалар. Аввало, маблағлари кам, уй-жойларни таъмирлаш учун зарур бинокорлик ашёлари этиштирилади. Цементчилар бу ширкатларни пухта оёққа туриб олишлари учун моддий қўллаб-қувватламоқдалар. Уларга ёрдам сифатида 78 миллион сўм ҳажмдаги маблағ ажратилди. Бу сармоянинг асосий қисми «Уйсоз» ширкати жамоасига берилди. Ширкат бу маблағ ҳисобига зарур қурилиш ашёлари, қувурлар, сантехника буюмлари, қум, гишт ва бошқа шу каби ашёларни харид қилиб, эҳтиёжлари учун ишлатаяпти. Бундан ташқари, шундай ёрдам оталиқдаги мактаблар, болалар боғчаларига, болалар спортини ривожлантириш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва бошқа соҳаларни юксалтиришга ҳам қўрсатилляпти.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири. Даврон АҲМАД оғасун сурапалар.

«ИФТИХОР»ДА МУРУВВАТ ТАДБИРИ

Чирчиқдаги «Ифтихор» маҳалласида кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оидаларда тарбияланаётган болаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Қуни-кеча мазкур маҳаллада яна бир шундай хайрия тадбири ўтказилди. Маҳалла қўмитасининг раиси Бўжожар Бахтоқунованинг сайёҳаракатлари билан болалар учун байрам дастурхони ёзилиб, уларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Мурувват тадбирида тадбиркор Рустам Носировнинг ҳиммати болаларга, аиникса, манзур бўлди. Шунингдек, ушбу маҳалла аҳли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор билан қарашади. Бугунги кунда улар кўчаларга экилган 150 туپ мевали кўчатларни меҳр билан парвариш қилишмоқда. Гузал ИСМАТУЛЛАЕВА.



Двигател сўм ўрвчиси Тамара Мурко уста Абдумалик Ёров билан иш устида.

ЯПОНИЯДАН ҚАЙТИШДИ

Ўрта-максус касб-хўнар таълими марказида JBIC — Япония халқаро ҳамкорлик банки кредити асосидаги «Ўрта-максус касб-хўнар таълимини ривожлантириш» лойиҳасида биноан кўнчиқар малакада малака ошириб қайтган ўқитувчи-мутахассислар билан учрашув бўлиб ўтди. Юздан ортиқ мутахассис таллов асосида қишлоқ ҳўжалигининг турли йўналишлари бўйича Японияда малака оширди. Ҳозир орттирилган тажриба асосида махсус қўлланмалар тайёрланмоқда. JBIC бундан икки йил муқаддам мамлакатимизга 58 миллион АҚШ долларини зиёд кредит ажратилиши маълум қилган эди. Мазкур кредит JBIC ҳамда Осие таракқиёт банки томонидан молиялаштирилган.

Асосий Қонунизмизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

96-модда. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифаси ва вазифасини бажара олмаслиги* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қўшма қарорига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун мuddат ичида палаталарнинг қўшма факультетда йиғилишида депутатлар сенаторлар орасида уч ойгача бўлган мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифасини вақтинчалик бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой мuddат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.



96-модда Президентнинг ўз ваколатларини бажаришини мuddатидан олдин тугатиши мумкинлигини назарда тутди. Президентнинг ваколатлари, унинг ўзига боғлиқ бўлмаган, масалан, агар у бетоблиги туфайли ўз вазифасини бажара олмаган тақдирда, мuddатидан олдин тугатилиши мумкин. Президентнинг ҳолатини таъминлаш мақсадида янги Президентнинг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

96-модда Президентнинг ўз ваколатларини бажаришини мuddатидан олдин тугатиши мумкинлигини назарда тутди. Президентнинг ваколатлари, унинг ўзига боғлиқ бўлмаган, масалан, агар у бетоблиги туфайли ўз вазифасини бажара олмаган тақдирда, мuddатидан олдин тугатилиши мумкин. Президентнинг ҳолатини таъминлаш мақсадида янги Президентнинг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

ган касаллик ҳақида гап бормоқда. Ўзбекистон Конституциясида Президент ҳокимиятининг узлуksизлигини таъминлаш мақсадида янги Президентнинг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

Эргаш САЙТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.

Илмий-амалий анжуман

Р.Шредер номидаги Ўзбекистон мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида соҳада амалга оширилган ишловларни жадаллаштиришга бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Мамакатимизда мевачилик ва узумчиликни янада ривожлантириш, мева-узум маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бозорларимизни саховати заминимизда етиштирилаётган ноз-неъматлар билан таъминлаш, экспортга маҳсулот чиқаришни кўпайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратиляпти.



Р.Шредер номидаги Ўзбекистон богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, юртимиз тупроқ-иқлим шароитига мос сермахсул мева ва узум навларини яратиш, соҳага янги технологияларни кенг жорий этиш, зараркунанда ва касалликларга қарши биологик кураш олиб боришнинг янги усул-

лари ишлаб чиқилмоқда. Анжуманда тармоққа фан ютуқлари ва илгор тажрибаларни кенг жорий этиш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, богдорчилик ва узумчиликда меҳнатни ташкил этишнинг самарали шакли бўлган фермер хўжалиқлари фаолиятини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

У.А.

Тажриба — ёнингизда

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТЯПТИ

шу боис Ўртачирчиқ туманидаги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ўқув-тажриба хўжалигида бу йил шароит оғир бўлганига қарамай, мўл ҳосил етиштирилмоқда

Ўқув-тажриба хўжалиги раҳбар ва мутахассислари эса, бу билан қаноатланиб қолмай, ғўза ривожини тезлаштирадиган, ҳосил туғунларини кўпайтирадиган ва уларнинг тўқилишига йўл қўймайдиган қўшимча чора-тадбирларни излашга киришдилар. Изланган имкон топади, деганларидек, ҳосилнинг мўл ва эртаки бўлишини таъминлайдиган янги усул ва воситалар ишга солинди.

Биринчидан, ғўзани озиклантиришда маъданли ўғитлар билан кифояланиб қолмай, маҳаллий ўғитлардан ҳам омилкорлик билан фойдаланилди. Гектарига 350 килограммдан азотли ва 200 килограммдан фосфорли ўғит беришдан ташқари тумандаги паррандачилик фабрикаси ҳамда атрофдаги чорвачилик фермалари билан келишиб, шартнома билан 2000 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит тўпланди. Иккинчидан, уни ғўзага беришда ҳам ўзига хос усул қўлланилди.

— Бу йил ғўзаларимиз сув эмас, шарбат ичди, — деди хўжаликнинг бош мириоби Ортиқбой Қурбонбоев. Мириобнинг гапида муболага йўқ. 808 гектар майдондаги ғўза камида 4 марта сугорилди. Айрим жойларга ер шароити ва экиннинг талабига қараб, 5-6 марта сув қўйилди. Аммо, бирор марта ҳам сув қуруқ таралгани йўқ. Хар сафар сугориш олдидан майдон бошидаги махсус тайёрланган хандақлар маҳаллий ўғит тўлдирилиб, сув шарбат қилиб оқизилди.

Эътироф этиш керакики, бу усулда сугориш осон эмас. Аввало, сувчилар сонини кўпайтириш, қолаверса, улар учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб бериш керак бўлади. Хўжалик раҳбарлари бу масалани ҳам оқилона ҳал этишди. 72 нафар сувчи ажратилиб, улар эрик ва фонуслар билан таъминланди. Чунки, сувни иложи борича кечаси яъни салқин пайтда таращ қатий қилиб қўйилди. Бундан ташқари, сувчиларни моддий рағбатлантириш мақсадида мукофотлар белгиланди. Хар бир сувдан сўнг махсус сифат комиссияси сувдан чиққан майдонларни кўздан кечириб, голибларни аниқлаб, мукофотга тавсия қилиб борди. Жумладан, тажрибали сувчилардан Байдило Раҳмонқуловга гилам, Олимжон Эшматов билан Хабибулло Йўлдошевга палос, бош мириоби Ортиқбой Қурбонбоев билан яна бир гуруҳ сувчиларга пул мукофотлари берилди.

Ғўзаларни культивация ва чеканка қилиш пайтида ҳам шу тартибда моддий рағбатлантириш усули қўлланилиб, комиссия тавсия этган механизатор ва пудратчиларга бугдой, ун, пахта ёғи, энг илгорларга эса, пул мукофотлари тарқатилди.

Бу йил ғўза касалликлари ва зараркундаларига қарши курашга жиддий эътибор қаратилди. Асосан биологик усулдан фойдаланиб, трихограмма ва олтинкўз фойдали хашаротлари ўз вақ-

тида ва керагича қўйилди. Айрим майдонларга ўргимчаканга қарши олтингургурт кукуни чанглатилди. Шу сабабли хўжалик пахтазорларида ҳосил қўшандалари деярли тарқалмади. — Пахтачиликда «тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш» деган ибора кўп ишлатилди, — деди ўқув-тажриба хўжалиги директори Мирза Орипов. — Кўп гапирлади-ю, лекин, ҳамма ҳам бунга эътибор беравермади. Биз ҳисоблаб кўрдик. Агар битта ортиқча ўқарик олинса, икки қатор ғўза йўқотилар экан. Бунга йўл қўймаслик учун биз Андижонча усулини қўлладик. Хар бир майдон четида 8 қатор эгатни кўндалангича олиб, чигит экдик. Маня, кўриб турганингиздек, бир қарич ҳам ер чиқитга чиқмаган. Иккинчидан, майдоннинг чеккасида ҳам, ўртасида ҳам ғўза бир текис ўсиб, ривожланган. Ҳозир хўжалик бўйича хар гектар майдонда ўртача 110-115 минг туп қўчат бор.

Биз директор билан атайлаб, нисбатан сустроқ ривожланган ғўза типини танаб, қўсақларини санадик, 15 та чиқди. Булар — октябрнинг ўрталаригача тўлиқ очилдиган қўсақлар. Яхши ривожланган тупларда бунақаси 25-30 тага боради.

— Лекин, ҳамма гап ана шу ҳосилни эллаб, йиғиб-териб олишда, — давом этди директор. — Шу нуқтаи назардан қараганда дефолиация ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Учта ОВХ пурақачимиз бор. Хлорат-магний дефолиантини керагича тайёрлаб қўйганмиз. Махсус комиссия хозир далазарни бир бошдан текшириб чиқмоқда. Унинг тавсияси билан дефолиацияни бошлаймиз.

Дарвоқе, хўжаликда яна бир янгилик синовдан ўтказилмоқда. Гап шундаки, бир гектар ерда голландча усул синаб кўриляпти. Бу майдонга 45-75 сантиметр шаклида эгат олинган. Яъни ёнма-ён эгатлардан биринчи кенглиги 45 сантиметр бўлса, иккинчисиники 75 сантиметр. Чигит қўлда экилиб, культивация отлар ёрдамида қилинди. Чунки, хўжаликдаги ҳамма селка ва культиваторлар 90 сантиметрли эгатларга мосланган. Ҳозир шу бир гектар майдонда 160 минг туп қўчат бор. Унинг ривожини бошқа жойлардагидан қилишмайди. Аксинча, ортиқча туп ҳисобига қўсақ сони анча кўп. Агар синов муваффақиятли ўтса, келаси йили бу янгиликни 30-40 гектар майдонда қўллашмоқчи. Керагича селка ва культиватор ҳам шунга мосланган.

Бундай майдонларга сув эгат оралатиб таралиши ва ғўза типини бир ярим баробар кўп бўлиши ҳисобга олинса, синов муваффақиятли ўтиши ҳеч гап эмас. Хуллас, бу усул қай даражада самарали эканлигини вақт кўрсатади. Мухими шундаки, хўжаликнинг раҳбар ва мутахассислари тинимсиз изланиш-япти, ҳосил тақдири учун астойдил жон қуйдиришяпти. Бундай меҳнат зое кетмайди, албатта.

Абдусамад ЙУЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Шу йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда 698 та корхона ва ишхоналар хусусийлаштирилди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар миқдори эса 22,454 миллиард сўмни ташкил этди. Хусусийлаштирилган корхоналардан 11,3 фоизи акциядорлаштирилди, бунинг натижасида 24 та акциядорлик жамияти ташкил топди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ОДИМЛАРИ

Тошкент вилоятида олтинта корхона ўз мулкчилик шаклини ўзгартирди, корхоналарни давлат ҳисобидан чиқариш эвазига тушган маблағлар миқдори 3,305 миллиард сўмни ташкил этди.

Маълумки, мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корхона низом жамғармаларидаги давлат улушини кескин қисқартириш, корхоналарнинг инвестицион манфаатдорлигини оширишга қаратилган 2003-2004 йилларда давлат ҳисобидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳукумат дастури қабул қилинган.

«Туркистон-пресс».

Собир ҲАМИДОВ.

ЙЎЛСОЗЛАР

Кенглиги турлича бўлган 60 километр узунликдаги қатта-кичик йўللари таъмирлаш — 2003 йилда Чиноз тумани автомобиль йўллари бошқармасининг жамоаси мўлжаллаган меҳнат режаси. Йўлсозлар зиммаларидаги бу масъулиятли вазифани бекам уқиб ўтказиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бошқарманинг ишчи-хизматчилари туман маркази ва қишлоқларидаги йўллари ободонлаштириш ва замонавийлаштиришнинг асосий оғирлигини ўз зиммаларига олишган.

Жорий йилнинг ўтган ойларидаги меҳнат натижалари ҳам самарали бўлди. Чиноз айланма магистрал йўлининг икки ярим километр узунликдаги қисми сифатли таъмирдан чиқарилди, кенглиги эса 14 метрга етказилди. Олмазордан пахта тайёрлаш пунктига олиб борадиган 14 километр узунликдаги йўл ҳам раво қилинди. Айни вақтда тумандаги бошқа йўллари ҳам таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Шундай қилиб йил бошидан бажарилган ишлар ҳажми 42 километрдан ошиб кетди.

Йўлсозлар хўжалик йилини яхши курсаткичлар билан яқунлаш мақсадида саъй-ҳаракатларини янада кучайтирмоқдалар. Бунда усталар Мухторхўжа Саидазимов, Пулат Турдибековлар раҳбарлигидаги жамоалар, асфальт қучириш машинаси хайдовчиси Серикбой Ширинбеков, грейдерчи Ҳасан Салимбековлар ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: бошқарма грейдерчиси Ҳасан Салимбеков, усталар Мухторхўжа Саидазимов ва Пулат Турдибековлар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



ҲУРМАТЛИ ВАТАНДОШЛАР!
Ўзбекистонда биринчи марта

ШАНЬ ТЯНЬ ШВЕЙЦАРИЯ
ЭКСПРЕСС

ансамблининг концертига марҳамат қилинг!

18.09.2003 йил Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Давлат консерваторияси

20.09.2003 йил Бухоро шаҳри, Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройи.

Концертлар соат 18⁰⁰да бошланади. Кириш bepул. Ташриф билетини кассадан олишингиз мумкин.

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ВА ҲАМКОРЛИК БЮРОСИ ТАШАБУСИ

Маълумот учун тел.: (99871) 187-60-71, 152-54-53

DEZA DIREKTION FÜR ENTWICKLUNG UND ZUSAMMENARBEIT
D.C.C. DIRECTION DU DEVELOPPEMENT ET DE LA COOPERATION
D.I.C.C. DIREZIONE DELLO SVILUPPO E DELLA COOPERAZIONE
S.D.C. SWISS AGENCY FOR DEVELOPMENT AND COOPERATION
C.O.S.U.B.I. AGENCIA SUIZA PARA EL DESARROLLO Y LA COOPERACION

HEIDENÖSSISCHES DEPARTEMENT FÜR AUSWÄRTIGE ANGELEGENHEITEN (EDA)
DI PARTEMENT FEDERAL DES AFFAIRES ÉTRANGÈRES (DFAE)
DIPARTIMENTO FEDERALE DEGLI AFFARI ESTERI (DFAE)

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти Куйичирчиқ тумани суд ижрочилари бўлинмаси сизларни 2003 йил 27 сентябрь куни соат 10.00да такроран ўтказиладиган кимошди савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидаги бошланғич баҳодаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. «КАВЗ» автобуси — 1 000000 сўм.
2. «УАЗ-452 Д» бортли автомашина — 1 000000 сўм.
3. «УАЗ-31512» автомашинаси — 350 000 сўм.
4. «ВАЗ-2106» автомобили — 350 000 сўм.
5. «ВАЗ-21011» автомобили — 150 000 сўм.
6. «УАЗ-31029» автомобили — 600 000 сўм.
7. «ИЖ-2715» автомобили — 175 000 сўм.
8. «ИЖ-2715» автомобили — 150 000 сўм.
9. «ИЖ-2715» автомобили — 200 000 сўм.
10. «ЗИЛ-ММЗ» автомашинаси — 450 000 сўм.
11. «ЗИЛ-ММЗ» автомашинаси — 450 000 сўм.
12. «ГАЗ-53 Б» автомашинаси — 400 000 сўм.
13. «ГАЗ-САЗ-3507» автомашинаси — 400 000 сўм.
14. «ГАЗ-53» автомашинаси — 750 000 сўм.
15. «УАЗ-3303» автомашинаси — 500 000 сўм.
16. «ГАЗ-5312» автомашинаси — 450 000 сўм.
17. «КамАЗ-5511» автомашинаси — 1 500000 сўм.
18. «ЗИЛ-ММЗ-4505» автомашинаси — 500 000 сўм.
19. «ЗИЛ-ММЗ-4505» автомашинаси — 450 000 сўм.
20. «МАЗ-5551» автомашинаси — 700 000 сўм.
21. «ЗИЛ-130-76» автомашинаси — 400 000 сўм.
22. «Тисо» автомобили — 1 500000 сўм.

Шунингдек, 17 октябрь куни соат 10.00да бўлиб ўтадиган навбатдаги кимошди савдосига таклиф этади.

1. «ГАЗ-53 А» автомашинаси — 500 000 сўм.

2. «ГАЗ-31029» автомобили — 750 000 сўм.

3. «САЗ-3507» автомашинаси — 400 000 сўм.

4. «КамАЗ-5410» автомашинаси — 1 500000 сўм.

5. «ЗИЛ-ММЗ» автомашинаси — 400 000 сўм.

6. «ГАЗ-31029» автомобили — 600 000 сўм.

7. «ИЖ-2715» автомобили — 175 000 сўм.

Автомашиналарга ариза қабул қилиш кимошди савдосидан 3 кун олдин тўхтатилади. Катнашувчилар Куйичирчиқ туман суд ижрочилари ҳисоб рақамига савдога қўйилган автомашиналар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан пул ўтказишлари керак.

Маълумот учун телефон: (8-256) 72-757.

Манзил: Тошкент вилояти, Куйичирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри, Ишчилар кўчаси, 1-уй.

Суд ижрочилари Куйичирчиқ тумани бўлинмаси.

«Бўстонлик деҳқон бозори»
Кузатув кенгаши ҳиссадорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йилнинг 19 сентябрь куни соат 15.00 да Ғазалкент шаҳридаги Деҳқон бозори маъмурий биносида ўтказилишини маълум қилади. Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масала киритилган:
Бозор ҳиссадорлик жамиятини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш.

